



ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

PhD Эрназаров Гулам

Тошкент шаҳридаги “Москва энергетика институти” миллий тадқиқот университети” Федераль давлат бюджети олий таълим муассасаси филиали

ORCID: 0009-0001-1596-4393

gulomernazarovgb@gmail.com

Аннотация. Мақолада хизмат кўрсатиш соҳасининг иқтисодиётда тутган ўрни ва унинг мазмун-моҳияти атрофлича ўрганилиб, илмий ёндашувлар орқали очиб берилган. Шунингдек, унинг асосий кўрсаткичлари ва ривожланиш истиқболлари статистик таҳлил қилинган ва ўрганиб чиқилган.

Калит сўзлар: ижтимоий соҳа, хизмат кўрсатиш соҳаси, аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш, консалтинг хизматлари, уй-жой коммунал хўжалиги, аҳоли турмуш шароити, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар, аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар, халқаро тажриба, хусусий сектор.

СФЕРА УСЛУГ В УЗБЕКИСТАНЕ И ПУТИ ЕЕ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ

PhD Эрназаров Гулам -

Филиал федерального государственного бюджетного образовательного учреждения высшего образования Национального исследовательского университета «Московский энергетический институт» в городе Ташкенте

Аннотация. В статье с помощью научных подходов подробно изучена и раскрыта роль сферы услуг в экономике, её сущность, а также проведен статистический анализ и исследование её основных показателей и перспектив развития.

Ключевые слова: социальная сфера, сфера услуг, качественное обслуживание населения, консультационные услуги, жилищно-коммунальное хозяйство, условия жизни населения, здравоохранение и социальные услуги, услуги на душу населения, международный опыт, частный сектор.

THE SERVICE SECTOR IN UZBEKISTAN AND WAYS TO IMPROVE IT

PhD Ernazarov Gulam

Branch of the Federal State Budgetary Institution of Higher Education of the National Research University "Moscow Energy Institute" in Tashkent

Abstract. The article, using scientific approaches, studies in detail and reveals the role of the service sector in the economy, its essence, and also conducts a statistical analysis and study of its main indicators and development prospects.

Keywords: social sphere, service sector, quality public services, consulting services, housing and communal services, living conditions of the population, healthcare and social services, services per capita, international experience, private sector.

Кириш.

Хизматлар соҳаси замонавий иқтисодиётда муҳим ўрин тутиб, аҳоли бандлигини ошириш, турмуш сифатини яхшилаш ва ресурслардан самарали фойдаланишга ҳисса қўшади. Глобаллашув ва технологиянинг жадал ривожланиши билан хизматлар инноватсиялар, самарадорликни ошириш ва иқтисодий барқарорлик учун асос бўлиб хизмат қилмоқда. Хизматлар соҳаси ижтимоий инфратузилмани мустаҳкамлашга, давлат, бизнес ва аҳоли ўртасидаги ўзаро муносабатларни яхшилашга ёрдам беради.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 27 февралдаги “Хизматлар соҳаси барқарор ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-78-сонли қарорининг қабул қилиниши соҳанинг миллий иқтисодиётимизда тўтган ўрни ва аҳамияти ниҳоятда муҳимлигини кўрсатиб бермоқда.

Аксарият тараққий топган давлатларда, ЯИМга нисбатан “хизмат кўрсатиш иқтисодиёти”нинг улуши, хусусан, Люксембург 85 фоиз, Франция 87 фоиз, АҚШ 86 фоиз, Белгия 85 фоиз, Англия 83 фоизга, шунингдек, Жануби-шарқий Осиёдаги баъзи мамлакатлар, жумладан, Гонконгда 94 фоиз, Сингапурда 91 фоизга етган. Хизмат кўрсатишнинг юқори даражасига эришган давлатларда қоида тариқасида молия, кредит, кафиллик, кафолат, суғурта, таълим, туризм, тиббиёт, алоқа ва ахборот, инновацион ва нано технологияларга асосланган хизматлар ўрин олган. Испания, Италия ва Францияга ўхшаган давлатларда ЯИМ асосини туризм соҳасидаги хизмат кўрсатиш ташкил этади. АҚШнинг қатор компаниялари эса ишлаб чиқаришга алоқадор хизматларни сотиш орқали ишлаб чиқаришдаги даромаднинг камида 50 фоизидан кўпроғига эгалик қилади.

Хизмат кўрсатиш (сервис) соҳаси ҳам интеллект ёрдамида ташаббус кўрсатиб, таваккалчилик билан қилинадиган тадбиркорлик фаолиятидир. Тадбиркорликнинг бошқа турларидан ўзига хос хусусияти эса унинг иқтисодий вазифаси билан бирга ижтимоий вазифаси ҳам борлигида кўринади. Соҳага дахлдор ҳар бир масъулни, ҳар бир фаол фуқаролик позициясига эга шахсни “сервисни ривожлантириш давлатни тараққий эттирмоқ”дир, деган ғояни ҳис этишга даъват қилади.

Хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича 2024 йилда амалга оширилган ишлар ва 2025 йил учун асосий вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида Президентимиз Шавкат Мирзиёев бундан уч йил олдин қабул қилинган хизматлар секторини ривожлантириш бўйича қабул қилинган катта дастур бугунги кунга келиб ўз натижасини бераётганини таъкидлаб ўтди. Қўшимча 1,5 миллион аҳоли сервис соҳасида доимий даромадга эга бўлди. Хизматлар 2018 йилдаги 19 миллиарддан 65 миллиард долларга ошди (ўсиш – 3,5 баробар). Айниқса, IT, молиявий хизматлар, туризм, авиация, таълим ва тиббиёт соҳаларида “катта сакраш” бўлди. Сўнгги етти йилда аҳоли даромади ва тўлов қобилияти 2 карра ўсгани натижасида аҳолида янги хизмат ва сервис турларига талаб ортиб бораётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Демак Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгилаб берилган устувор вазифалар муваффақиятли ҳал этилиши хизмат кўрсатиш соҳасининг иқтисодий самарадорлигини ошириш ҳисобига республикамиз аҳолисига сифатли хизмат кўрсатишнинг аниқ чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, статистик кўрсаткичлар тизимини такомиллаштириш ва истиқболларини статистик прогнозлашни талаб этади. Республикамизда хизмат кўрсатиш соҳасини иқтисодий-статистик таҳлил қилиш, соҳа фаолиятига таъсир қилувчи омилларни комплекс статистик баҳолаш ҳамда иқтисодий самарадорлигини оширишга қаратилган, илмий асосланган тақлиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Адабиётлар шарҳи.

Мавзу юзасидан бир қатор маҳаллий ва хорижий олимлар илмий тадқиқот ва изланишлар олиб боришган ва боришмоқда, улар мазкур соҳани ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшишмоқда.

Неоклассик мактаб вакили саналган Маршалл (1993) хизматлар тўғрисида анча дадил ва шу билан бир қаторда, мантиқан асосланган фикрларни майдонга ташлаган ва хизмат кўрсатиш соҳасининг назарий асосларини шакллантиришда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган. У хизматларни меҳнатнинг номоддий, сезги органлари воситасида илғаб бўлмайдиган натижалари сифатида талқин қилган. Айнан, А.Маршалл барча неъматларни моддий ва номоддий неъматларга бўлар экан, уларнинг барчаси мамлакатдаги ижтимоий бойликни шакллантиришда бирдай муҳим эканлигини исботлашга алоҳида эътибор қаратган. У биринчи бўлиб, инсоннинг ҳаёт фаолиятида ва эҳтиёжини қондиришида моддий ноз-неъматнинг ўта муҳим ва зарур эканлигини эътироф этиш билан бир қаторда, куз билан илғаб булмайдиган турли номоддий ноз-неъматлар ва хизматларнинг ҳам катта аҳамияти борлигини илмий жиҳатдан асослаб берди.

Бурменконинг (2007) берган иқтисодий таърифига кура: «хизмат - бу маҳсулотнинг фойдали ҳаракати ёки инсоннинг ўзига хос, оқилона эҳтиёжларини қондириш учун фаолият шаклида намоён бўладиган, фойдаланиш қийматларини яратадиган меҳнат натижалари бўйича пайдо бўладиган иқтисодий муносабатлардир». Шунинг учун хизмат кўрсатиш жараёни истеъмолчиларга хизматларни етказиб бериш жараёни, яъни унга ҳар қандай шаклдаги жисмоний ва юридик шахсларнинг эҳтиёжларини қондириш жараёни сифатида қаралиши керак.

Мелешко (2016) илмий мақоласида “XX аср охири - XXI аср бошлари иқтисодиётидаги энг ёрқин тенденциялардан бири хизматлар соҳасининг юқори суратларда ривожланиши ҳисобланади. Саноат ишлаб чиқариши 18-асрнинг охиридан бошлаб мамлакатларнинг муваффақиятли иқтисодий ривожланиши ўз ўрнини хизмат кўрсатиш соҳасига бўшатиб берди, шу сабабли жаҳон иқтисодиётида саноат инқилоби билан таққосланадиган таркибий қайта қуриш содир бўлди. Бугунги кунда хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш даражаси давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг мезонига айланди” деб, таъриф бериб ўтади.

Кательс (2000) энг аввола иқтисодиётининг ахборот ва ахборотлаштириш билан боғлиқ хусусиятларига эътибор бериб, хизматларни янгича тавсифга эғалиги ва хизматларни кўрсатишда фаолиятнинг янги кўринишларини тадқиқ этган. Унинг фикрича, хизматлар категорияси тарихан турли хил ижтимоий тузилмалар ва ишлаб чиқариш тизимларидан шаклланиб келаётган фаолиятни ўз ичига олади. Хизмат кўрсатиш соҳасида ранг-баранг фаолият турларини бириктириб турувчи ягона белги ушбу ягона (умумий) белгининг йўқлигидир. Хизматларни уларга тегишли бўлган ички хусусиятлардан келиб чиқиб аниқлашда шуни айтиш керакки, ахборот иқтисодиётининг ривожланиши билан товарларнинг «номоддийлиги» ва «моддийлиги» ўртасида мазмунан фарқи йўқолди деб изоҳ беради.

Европа давлатлари иқтисодчи олимлари томонидан «хизмат» категориясига қўйидагича таъриф берилган: Хусусан, Котлер (1993) хизматлар деганда йирик хилма-хилликдаги фаолият турлари ва тижорат машғулотларини таърифлаб, улар «бир тараф иккинчи тарафга таклиф қилиши мумкин ва асосан уларни ҳис қилиб бўлмайдиган ҳамда бирор-бир нарсага эғалик қилишга олиб келмайди. Хизматларни кўрсатиш моддий кўринишдаги товар билан боғлиқ бўлиши мумкин ёки аксинча боғлиқ бўлмаслиги ҳам мумкин» деб таъкидлаб ўтади.

Ураковнинг (2011) таърифига кўра мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланишини ҳозирги босқичида сервис хизматлари сони ва сифатига қўйилаётган талаблар билан боғлиқ деди.

Эрназаров (2024) “Янги Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиш даврида хизмат кўрсатиш соҳасининг ўрни ва аҳамияти, унинг иқтисодий-статистик таҳлили ва истиқболлари” деб номланган мақоласида мамлакатимизда хизматлар соҳасининг ривожланиши, бу иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига ҳам мультипликатив таъсир кўрсатади. Масалан, молия, суғурталаш хизматларига талабнинг 1 миллион сўмга ўсиши иқтисодиётда қўшимча 3,2 миллион сўм қиймат яратади. Худди шундай катта мультипликатив таъсирга эга бўлган соҳалар қаторига консалтинг хизматлари, яшаш ва умумий овқатланиш, туризм, таълим, соғлиқни сақлаш ва коммунал хизматларни киритса бўлади, деб, таъкидлаб ўтади.

Бугунги замонавий иқтисодиётни ривожлантиришда, хизмат кўрсатиш соҳасининг ўрни ва аҳамияти: унинг статистик таҳлили: муаммолари ва уларнинг ечимлари ҳақида, бошқа кўплаб маҳаллий ва хорижий олимлар ҳам илмий тадқиқот ишларини олиб боришмоқда.

Тадқиқот методологияси.

Мақолани ёритишда танланма кузатув, мантиқий ёндашув, иқтисодий-статистик таҳлил, аналитик таҳлил, статистик кузатув ва қиёсий таҳлил усуллардан атрофлича фойдаланилди. Маълумотлар қиёсий таҳлил қилиниб, хизматлар соҳасининг истиқболлари, иқтисодий кўрсаткичлари, хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши ва соҳадаги муаммолар ўрганилиб, улар назарий жиҳатдан ёритиб беришга ҳаракат қилинди. Тадқиқот ишимизда хизмат кўрсатиш соҳасини ва унинг асосий кўрсаткичларини ривожлантиришнинг йўналишлари статистик таҳлил қилинди. Тадқиқот объекти сифатида хизмат кўрсатиш соҳаси ўрганилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Хизматлар соҳасининг мамлакат иқтисодиётидаги улушини ошириш, жойларда хизматлар соҳасидаги мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш, хизмат турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш, тадбиркорлик субъектларини янада қўллаб қувватлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 11-майдаги ПҚ-5113-сон қарори билан “Ўзбекистон Республикасида хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг мақсадли параметрлари” тасдиқланди ва уларнинг мониторингини олиб бориш жорий этилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлигининг 2024 йилнинг дастлабки маълумотларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлигининг 2024 йилнинг дастлабки маълумотларига кўра, 2024-йил якунларига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЯИМи ҳажми жорий нархларда 1 454 573,9 млрд сўмни ташкил этди ва 2023-йил билан таққослаганда 6,5 % га ўсди. ЯИМ дефлятор индекси 2023-йилдаги нархларга нисбатан 113,3 % ни ташкил этди.

2024-йилда ЯИМ ўсишига қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғи 0,6 фоиз, саноат тармоғи–1,7 фоиз, қурилиш тармоғи – 0,6 фоизни ва хизмат кўрсатиш тармоғи 3,3 фоизни ташкил этиб, ижобий ҳисса қўшди. Маҳсулотларга соф солиқларнинг ўсиши ҳисобига ЯИМ 0,3 фоизга кўпайди.

2024-йил якунларига кўра, ЯИМ таркибида катта бўлмаган ўзгаришлар кузатилди. 2023-йилга нисбатан ЯИМ (ЯҚҚ) таркибида хизматлар соҳасининг улуши 46,2 % дан 47,4 % га, саноатнинг улуши 25,3 % дан 26,4 % га ошди.

Шу билан бирга, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигининг улуши 21,2 % дан 19,2 % га ҳамда қурилиш тармоғининг улуши 7,3 % дан 7,0 % га камайди.

2024-йилда аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯИМ ҳажми жорий нархларда 39 131,4 минг сўмни (ёки 3 092,7 АҚСХ доллари эквивалентида) ташкил этди. 2024-йилда аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажмининг реал ўсиши 2023-йилга нисбатан 4,4 % ни, 2020-йилга нисбатан эса 19,5 % ни ташкил этди.

2024-йил якунларига кўра, хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати ҳажми 657 348,5 млрд сўмни ташкил этди ва 2023-йилга нисбатан 7,7 % га ўсди. Шу жумладан, савдо хизматлари 11,5 % га, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 10,7 % га, ташиш ва сақлаш хизматлари 8,5 % га, ахборот ва алоқа хизматлари 24,7 % га, бошқа хизматлар 4,5 % га ўсди.

1-жадвал

Худудлар кесимида хизматлар соҳасининг асосий кўрсаткичлари

(2024 йил январь-декабрь)

Т/р	Худудлар номи	Ҳажми, млрд. сўмда	Улуши, % да	Ўсиш суръати, % да
1.	Ўзбекистон Республикаси ¹⁾	818 428,3	100,0	112,9
2.	Қорақалпоғистон Республикаси	28 820,8	3,5	110,6
	Вилоятлар			
3.	Андижон вилояти	41 807,5	5,1	113,1
4.	Бухоро вилояти	34 495,1	4,2	111,2
5.	Жиззах вилояти	20 069,5	2,5	113,8
6.	Қашқадарё вилояти	43 255,9	5,3	110,9
7.	Навоий вилояти	20 055,6	2,4	112,1
8.	Наманган вилояти	43 090,6	5,3	112,3
9.	Самарқанд вилояти	58 875,7	7,2	114,1
10.	Сурхандарё вилояти	28 505,9	5,3	110,9
11.	Сирдарё вилояти	11 609,1	1,4	112,2
12.	Тошкент вилояти	56 317,9	6,9	112,8
13.	Фарғона вилояти	55 200,7	6,7	112,3
14.	Хоразм вилояти	28 262,0	3,5	112,0
15.	Тошкент шаҳри	298 825,6	36,5	116,8

2024 йил (январь-декабрь) ҳолатига кўра, хизматлар соҳасида кичик тадбиркорликнинг улуши - 57,0 фоизни, хизматлар соҳасидаги корхона ва ташкилотларининг улуши - 73,2 фоизни ташкил этганини кўриш мумкин.

Иқтисодиётнинг янги ривожланиш даврида хизматлар соҳасини ривожлантириш кўп жиҳатдан худудларда кўрсатилаётган бозор хизматлари ҳажмининг ўсиши билан боғлиқ бўлади (1-жадвал).

Худудлар кесимида (1-жадвал маълумотлари) кўрсатилган бозор хизматларини оладиган бўлсак 2024 йил январь-декабрь ҳолати бўйича энг юқори кўрсаткич Тошкент шаҳар (298 825,6 млрд.сўм) ҳиссасига тўғри келмоқда. Энг паст кўрсаткичлар эса Сирдарё (11 609,1 млрд.сўм), Жиззах (20 069,5 млрд. сўм), Навоий (20 055,6 млрд. сўм) ва Хоразм (28 262,0 млрд. сўм) вилоятлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Тошкент шаҳрида бу кўрсаткичнинг юқорилигига асосий сабаблардан бири ҳам рақамли иқтисодиётнинг шаҳарда тез ривожланишидир. Демак хизматлар соҳасини ривожлантириш учун биринчи навбатда аҳолининг рақамли технологиялардан фойдаланиш ҳулқ-атворини шакллантириш ва сифатли интернет тармоқлари билан таъминлаш зарурдир.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, саноати ривожланган худудлар (қазиб олиш саноати бундан мустасно) Навоий ва Тошкент вилоятлари ҳамда, Тошкент шаҳрида хизматлар соҳасининг аҳоли жон бошига ўртача кўрсаткичлари Хоразм, Наманган ва Сурхондарё вилоятларига нисбатан юқори эканлигини кўрсатмоқда. Иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрсатилган бозор хизматлари таркибида савдо ва транспорт хизматлари энг катта улушни эгаллаган.

2024 йил январь-декабрь ҳолатига кўра, жами хизмат кўрсатиш ҳажмида савдо хизматларининг улуши 149 599,8 млрд сумни, транспорт хизматларининг улуши эса 145 124 млрд сумни ташкил этди. Бу борада, яна юқори кўрсаткичлар, шунингдек, молиявий хизматлар улуши 135 509,5 млрд сумни, автотранспорт хизматлари эса 72 604,7 млрд сумни алоқа ва ахборот хизматларининг 56 174,2 млрд сумни ташкил қилди.

Агар 2024 йилнинг дастлабки маълумотларига кўра, иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрсатилган бозор хизматлари таркибини статистик ўрганиб чиқадиган бўлсак, “Иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрсатилган бозор хизматлари таркибида энг катта улушни яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлари 22,4 %ни эгаллайди.

Таҳлилларимиз кўрсатдики, 2024-йил (январь-декабрь) маълумотларига кўра, хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати ҳажми 818 428,3 млрд. сўмни ташкил этди ва 2023-йилга нисбатан 12,9 % га ўсди. Шу жумладан, савдо хизматлари 18,3 % га, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 22,4 % га, соғлиқни сақлаш хизматлари 1,9 % га, ахборот ва алоқа хизматлари 6,9 % га, бошқа хизматлар эса 4,2 % га ўсди.

Кўрсатилган бозор хизматларининг умумий ҳажмида кичик корхона субъектларининг улуши 66,4 фоизни, шу жумладан, 21,5 фоизни кичик тадбиркорлик ва микрофирмаларнинг улуши ташкил этди.

Жами кўрсатилган хизматлар ҳажмида Тошкент шаҳри (36,5 %), Тошкент вилояти (6,9 %), Самарқанд вилояти (7,2 %) вилоятлари юқори салмоққа эга, энг паст улуш Сирдарё вилояти (1,4 %), Жиззах вилояти (2,5 %), Навоий вилоятига (2,4 %) тўғри келади.

Хулоса ва таклифлар.

Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш (сервис)ни ривожлантириш стратегиясига бугун ҳар қачонгидан-да кўпроқ эҳтиёж бор. Мақсад – ишлаб чиқиладиган стратегия доирасида ЯИМда соҳа улушини камида 80 фоизга олиб чиқиш, шу бўйича йўл харитасини тузиш ҳамда унда қуйидагиларга эътибор қаратилиши лозим деб ҳисоблаймиз:

Стратегияда долзарб вазифа сифатида, хизмат кўрсатиш (сервис)ни тараққий эттиришнинг мавжуд ҳуқуқий асоси ўзини оқламаганини эътироф этган ҳолда:

- энг илғор давлатларнинг бу борадаги норма ижодкорлигини тадқиқ қилиш;
- миллий қонунчилигимиздаги айни шу бўғинни танқидий нуқтаи назардан қайта кўриб чиқиш;
- тўғридан-тўғри амал қилувчи, халқаро стандартлар талабларига тўла жавоб берадиган соҳа қонунчилигининг яхлит асосини яратиш, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг хизмат кўрсатиш (сервис) кодекси лойиҳасини ишлаб чиқиш назарда тутилиши мақсадга мувофиқдир.

Хизмат кўрсатиш (сервис) соҳасини ривожлантиришда маъмурий усулдан бутунлай воз кечиш, фаолиятга бозор механизмларини, “ақлли бошқарув”ни жорий этишга қаратилган Илмий-амалий маслаҳат маркази фаолиятини йўлга қўйиш. Бунда асосий эътибор хизмат кўрсатиш (сервис)ни ахборот ва билим яратишнинг назарий, амалий қўлланмасини ишлаб чиқиш, амалий кўникмаларнинг асосларини яратиш ва татбиқ этишга қаратилиши лозимдир.

Ҳаёт синовларидан ўтган – ахборот, билим ва интеллектга таянган илғор халқаро тажриба шуни кўрсатмоқдаки, хизмат кўрсатиш ҳар бир замонавий давлат иқтисодиётида локомотив сифатида иқтисодиётнинг барча соҳалари ўсишига хизмат қилмоқда. Бу замоннинг инкор этиб бўлмас ҳақиқати. Соҳага жиддий эътибор қаратиш келажакда юртимиз иқтисодий ривожига муносиб ҳисса қўшади, албатта.

Адабиётлар / Литература / References:

- stat.uz (2024). Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлиги. www.stat.uz
- Бурменко, Т.Д., Даниленко, Н.Н. ва Туренко, Т.А. (2007). Сфера услуг: экономика: учебное пособие. Москва: КНОРУС. – 328 с. – С. 64–65.
- Кастельс, М. (2000). Информационная эпоха: Экономика, общество и культура. Пер. с англ., под ред. О.И. Шкаратана. Москва: ГУВШЭ.
- Котлер, Ф. (1993). Основы маркетинга. Москва: Прогресс. – С. 63–68.
- Қарор (2021). Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 майдаги “Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5113-сонли қарори. // <https://lex.uz/ru/docs/5421233>
- Қарор (2022). Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 январдаги “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-104-сонли қарори. // <https://lex.uz/docs/5840284>
- Қарор (2025). Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 27 февралдаги “Хизматлар соҳаси барқарор ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-78-сонли қарори. // www.lex.uz
- Маршалл, А. (1993). Принципы экономической науки. Москва: Прогресс.
- Мелешко, Ю.В. (2016). Трансформация определения понятия «услуг» в контексте концепции постиндустриального общества. Экономическая наука сегодня, №4.
- Муҳаммедов, М.М. (2009). Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш – устувор масала. Servis jur., №1. – Б. 47–56.
- Ураков, Ж.Р. (2011). Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятлари самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизми (Самарқанд вилояти мисолида). Иқт. фан. номзоди дисс. Тошкент: СамИСИ. – Б. 15–16.
- Фармон (2022). Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони. // www.lex.uz
- Фармон (2023). Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сонли фармони. // www.lex.uz
- Эрназаров, Г.Б. (2024). Янги Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиш даврида хизмат кўрсатиш соҳасининг ўрни ва аҳамияти, унинг иқтисодий–статистик таҳлили ва истиқболлари. Иқтисодиёт ва таълим, №1. – Б. 424–430.